



ЖАМОАВИЙ ЕТАКЧИЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИНГ ТАЪРИФИ ВА ТУЗИЛМАСИ

Алауатдинов Сахабатдин Иниятдинович

*Қорақалпоқ давлат университети биринчи проректори
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
E-mail: alauatdinovsahabatdin@gmail.com*

Етакчилик бу шахснинг жамоада умумий мақсадни биргаликда шакллантириш, масъулиятни ихтиёрий равишда қабул қилиш ва бўлишиш, жамоа фаолиятининг қадриятли асосини рационал таҳлил қилиш ҳамда ўз фиарини ва тажрибасини жамоа аъзоларига узатиш орқали жамоанинг етакчилик салоҳиятини ошириш қобилиятини ифодаловчи интеграл шахсий-фаолиятли сифатга айтилади. Мазкур таърифда учта элемент фарқловчи аҳамиятга эга: масъулиятнинг ихтиёрий қабул қилиниши, қадриятли асоснинг рационал таҳлили ва трансляция орқали жамоа салоҳиятининг ортиши (шахсий устунликнинг ортиши эмас).

Компетенциянинг тузилмаси беш компонентдан иборат. Улар маънавий-маърифий фаолиятнинг етти тамойилидан ҳамда фаолиятнинг психологик тузилмасидан — мотив, мақсад, ҳаракат, назорат — келтириб чиқарилган. Когнитив компонент етакчилик, жамоа ва қадрият ҳақидаги тизимли билимни; аксиологик-мотивацион компонент қадриятли позиция ва масъулиятни қабул қилишга ички тайёрликни; коммуникатив-интерактив компонент диалог, келишув ва зиддиятни конструктив ҳал этиш қобилиятини; ташкилий-фаолиятли компонент мақсад кўйиш, ресурсни тақсимлаш ва натижага эришиш қобилиятини; рефлексив-баҳоловчи компонент ўз фаолиятининг асосларини қайта кўриб чиқиш ва уни бошқаларга узатиш қобилиятини ифодалайди.

Жамоавий етакчилик компетенциясининг компонент тузилмаси

Компонент	Психологик асос	Мазмуни
Когнитив	Билиш фаолияти	Етакчилик, жамоа динамикаси ва қадриятлар ҳақидаги тизимли билим; вазиятни таҳлил қилиш
Аксиологик-мотивацион	Мотив; қадриятли муносабат	Масъулиятни ихтиёрий қабул қилишга тайёрлик; ахлоқий позиция



Компонент	Психологик асос	Мазмуни
Коммуникатив-интерактив	Мулоқот; ижтимоий идрок	Диалог, келишув, зиддиятни конструктив ҳал этиш; ишонч ўрнатиш
Ташкилий-фаолиятли	Ҳаракат ва операция	Мақсад қўйиш, ресурсни тақсимлаш, ротацияда масъул ролни бажариш
Рефлексив-баҳоловчи	Назорат; ўз-ўзини баҳолаш	Икки ҳалқали рефлексия; ўз тажрибасини трансляция қилиш

Компонентлар ўртасидаги алоқа иерархик эмас, циклик характерга эга: когнитив компонент аксиологик позицияни асослаш имконини беради, аксиологик компонент коммуникатив ҳаракатнинг йўналишини белгилайди, коммуникатив компонент ташкилий фаолиятни имконли қилади, ташкилий фаолият рефлексия учун материал беради, рефлексия эса когнитив тузилмани қайта куради. Ушбу циклнинг узилиши компетенциянинг деформациясига олиб келади ва унинг типик кўринишлари амалиётда кузатилади: аксиологик компонентсиз ташкилий компетентлик манипулятив етакчилиқни, рефлексив компонентсиз коммуникатив компетентлик эса юзаки харизматик таъсирни ҳосил қилади. Демак, компетенцияни компонентлар бўйича алоҳида ривожлантириш нафақат самарасиз, балки педагогик жиҳатдан хавфлидир — бу тадқиқотнинг муҳим назарий хулосаларидан биридир.

Диагностика архитектураси уч поғонали тузилмага эга: ҳар бир компонентга битта мезон, ҳар бир мезонга учта хулқий индикатор мос келади; жами беш мезон ва ўн беш индикатор шаклланади. Индикаторларни танлашда икки талаб қўйилди: индикатор кузатиладиган хатти-ҳаракатни тавсифлаши ва камида икки мустақил манба орқали қайд этилиши мумкин бўлиши шарт. Ушбу талаб «ватанпарварлик туйғусининг ортиши» ёки «маънавий етуклик даражасининг юксалиши» каби ўлчанмайдиган формулировкаларни диагностик тизимдан чиқаради; улар мақсад баёнида қолиши мумкин, бироқ индикатор мақомини ола олмайди.

Жамоавий етакчилик компетентлигининг мезон-индикатор тизими

Мезон (компонент)	Индикаторлар
М1. Когнитив	1.1. Вазиятни техник ва адаптив муаммога тоифалай олиши; 1.2. Етакчилик моделларини қиёслаб, вазиятга мосини



Мезон (компонент)	Индикаторлар
	танлай олиши; 1.3. Жамоа динамикасидаги ролларни аниқлай олиши
М2. Аксиологик-мотивацион	2.1. Масъул ролни ихтиёрий равишда қабул қилиши; 2.2. Қадриятли зиддиятда позициясини далил билан асослаши; 2.3. Жамоа манфаатини шахсий обрўдан устун қўйган ҳолатларнинг қайд этилиши
М3. Коммуникатив-интерактив	3.1. Оппонент аргументини у қаноатланидиган даражада қайта баён эта олиши; 3.2. Зиддиятни келишув билан якунлай олиши; 3.3. Жамоада ишонч муҳитини сақловчи хатти-ҳаракатларнинг кузатилиши
М4. Ташкилий-фаолиятли	4.1. Жамоавий мақсад ва муваффақият мезонини шакллантиришдаги ҳиссаси; 4.2. Ротацияда масъул ролни натижага етказиши; 4.3. Ресурс ва хавфни олдиндан режалаштира олиши
М5. Рефлексив-баҳоловчи	5.1. Хатонинг остидаги қонидани аниқлай олиши (икки ҳалқали таҳлил); 5.2. Ташқи фикр-мулоҳазани фаолиятга киритиши; 5.3. Ўз тажрибасини бошқа талабага узата олиши

Даражалар тизими — репродуктив, адаптив, продуктив ва трансляцион — индикаторларнинг миқдорий йиғиндиси орқали эмас, сифат жиҳатидан ўтиш мезони орқали белгиланади. Даражадан даражага ўтишни белгиловчи омил ҳар сафар битта: репродуктивдан адаптивга ўтишда — ўзгарган шароитга мустақил мослашиш; адаптивдан продуктивга ўтишда — мақсадни ўзи қўйиш ва масъулиятни зиммасига олиш; продуктивдан трансляционга ўтишда — ўз тажрибасини бошқаларга узатиш ва жамоа салоҳиятини ошириш. Мазкур ўтиш мезонларининг аниқлиги диагностиканинг субъективлигини камайтиради ва «умумий таассурот» асосида баҳолаш амалиётини истисно қилади. Айни пайтда, даражанинг белгиланиши учун тегишли индикаторларнинг барчаси эмас, ҳал қилувчиси — 2.1, 4.2 ва 5.3-индикаторлар — қайд этилиши талаб қилинади, зеро айнан улар масъулият, натижа ва трансляция ўлчовларини ифодалайди.

Педагогик механизм тушунчаси миллий тадқиқотларда кўпинча модель, тизим ва технология тушунчалари билан алмашиб қўлланилади.



Лекин улар қатъий фарқланади: тизим элементлар ва алоқалар мажмуини, модель тизимнинг соддалаштирилган тасвирини, технология мақсадга эришишнинг алгоритмини, механизм эса натижа қандай юзага келишининг сабабий занжирини ифодалайди. Механизм тушунчасининг ўзагида ҳаракат тамойили ётади: у ресурсининг натижага айланиш йўлини ва бу айланишни таъминловчи ички куч манбаини кўрсатади. Шунга кўра, педагогик механизм деб муайян педагогик шарт-шароитлар мажмуида ресурсларни (мазмун, услуб, ташкилий шакл, педагог фаолияти) натижага (компетенциянинг даражавий ўсишига) айлантирувчи, тескари алоқа контурлари билан таъминланган барқарор сабабий тузилмага айтилади.

Ушбу таърифдан келиб чиқадиган методологик талаб қуйидагича: механизмнинг илмий тавсифи унинг таркибий қисмларини санашдан иборат бўлмайди — у нима туфайли ишлашини кўрсатиши шарт. Мазкур ишимизда механизмнинг ҳаракат тамойили сифатида субъектликлики трансфери аниқланди: педагог ваколатининг режалаштирилган ва бошқарилаётган тарзда камайиши талабада масъулият вакуумини яратади, ушбу вакуум эса жамоа даражасида етакчилик функциясининг ўз-ўзидан тақсимланишини келтириб чиқаради. Айнан шу сабабий занжир — ваколат камайиши → масъулият вакууми → етакчиликнинг жамоавий тақсимланиши → компетенциянинг даражавий ўсиши — механизмнинг ўзагини ташкил этади. Ушбу занжирнинг ҳар бир ҳалқаси эмпирик текширувга очикдир, бу эса ишимизнинг гипотезасининг фальсификация қилиниши мумкинлигини таъминлайди.

Механизм беш функционал блокдан ташкил топади. Уларнинг ўзаро боғланиши чизикли эмас: диагностик-натижавий блок нафақат натижани қайд этади, балки мазмуний ва процессуал блокларни коррекция қилади, ташкилий-бошқарув блоки эса барча блоклар учун чекловчи шарт вазифасини бажаради — метрика ислоҳ қилинмаса, қолган блоклар ўз функциясини бажара олмайди. Мазкур боғланиш олдинги параграфларда амалиёт материалида кўрсатилган татбиқ кетма-кетлигининг назарий асосидир.

Педагогик механизмнинг блок-тузилмаси

Блок	Таркиби	Функцияси
1. Мақсадли-методологик	Мақсад; тамойил; ёндашув	Механизмнинг йўналишини чекловларини белгилайди
2. Мазмуний-аксиологик	Лойиҳа типологияси; кадриятли	Фаолиятнинг мазмунини аксиологик



Блок	Таркиби	Функцияси
	зиддиятлар банки; миллий мерос	таъминлайди
3. Процессуал-технологик	Услуглар гурухлари; тўрт босқич; ташкилий шакллар	Мақсадни фаолият тилига таржима қилади
4. Ташкилий-бошқарув	Роллар; супервизия; метрика; рақамли платформа	Механизмнинг барқарорлиги ва ресурс таъминотини кафолатлайди
5. Диагностик-натижавий	Беш мезон; ўн беш индикатор; тўрт даража; триангуляция	Натижани қайд этади ва бошқа блокларни коррекция қилади

Механизмнинг ўз-ўзини коррекция қилиш қобилияти икки тесқари алоқа контури билан таъминланади. Тезкор контур — лойиҳа цикли ичидаги оралиқ рефлексия ва дебрифинг — фаолиятнинг ичида ишлайди ва хатони жараён давомида тузатиш имконини беради; у бир ҳалқали ўрганишдан икки ҳалқалига ўтишни таъминлайди. Секин контур — йиллик рефлексив аудит — механизмнинг ўзини, унинг индикаторлари ва тамойилларини қайта кўриб чиқади.

Хулоса урнида шуни келтириб утамиз беш мезон ва ўн беш хулқий индикатордан иборат диагностик архитектура ҳамда даражадан даражага ўтишнинг сифат мезонлари ишлаб чиқилди; ўлчанмайдиган формулировкаларнинг индикатор мақомини ола олмаслиги қоида сифатида қабул қилинди. Мазкур методологик ва концептуал асослар механизмнинг услубий, мазмуний, ташкилий ва диагностик компонентларини изчил ишлаб чиқиш имконини беради ҳамда ишимизнинг эмпирик қисми учун текширилиши мумкин бўлган гипотетик қоидалар тзимини шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–92-сон Қарори. «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида». 2022 йил
2. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Ш.М. Мирзиёев. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020.



4. О.А. Мусурмонова. Маънавий-ахлоқий тарбия технологиялари. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2012
5. А.В.Хуторской. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы образования. – Москва: Народное образование, 2003.
6. Алеёв Өсербай. Халық педагогикасы хэм тәрбия мәселелери. – Нөкис, 2001.